




ТОШКЕНТ О'QSHOMI



Бу ёдгорликни барпо этишдан мақсад — биринчидан, бугунги ёруғ кунлар учун курашиб шахид бўлган ота-боболаримиз руҳини шод этиш;
иккинчидан, адолат бор экан, бир куни у, барибир, юзага чиқар экан, деган қатъий ишончини одамлар онгига синдириш;
учинчидан, бу дунё ўткинчи, аммо инсон хотираси абадий эканлигини ҳар бир кишига, айниқса, ўсиб келаётган ёшларимизга аёнлаштиришдан иборатдир.

Ислом КАРИМОВ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

№ 27 (9.371) 2000 йил 3 март, жума

Сотувда эркин нархда

ЭРКИКЛИКНИНГ — ОПА ИНИЛИШИМИЗ КАФОЛАТИ

Тошкент шаҳар ҳокимлигида

КИЧИК ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИ РАЎБАТЛАНТИРИШ БЎЙИЧА ТОШКЕНТ ШАҲАР МУВОФИҚЛАШТИРУВЧИ КЕНГАШИ ФАОЛИЯТИНИ ФАОЛЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Иқтисодий ислохотларни янада эркинлаштириш ва чуқурлаштиришга доир вазифалардан келиб чиққан ҳолатда кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришни рағбатлантириш этиб қўйиладиган «Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришнинг ишончли кафолатини таъминлаш, кичик ва хусусий тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш ҳақида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 17 февралдаги «Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришнинг рағбатлантириш бўйича республика мувофиқлаштирувчи кенгаши фаолиятини фойдалантириш тўғрисида»ги 57-сонли қарорини бажариш мақсадида Тошкент шаҳар ҳокими Қозим Тўлаевнинг «Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришнинг рағбатлантириш бўйича Тошкент шаҳар мувофиқлаштирувчи кенгаши фаолиятини фойдалантириш тўғрисида» қарор қабул қилди.

Унга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 17 февралдаги «Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришнинг рағбатлантириш бўйича республика мувофиқлаштирувчи кенгаши фаолиятини фойдалантириш тўғрисида»ги 57-сонли қарори ишчи ва куллар учун қабул қилинди.

Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришнинг рағбатлантириш бўйича Тошкент шаҳар мувофиқлаштирувчи кенгашининг янгиланган таркиби тасдиқланди.

Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришнинг рағбатлантириш бўйича Тошкент шаҳар мувофиқлаштирувчи кенгаши ўз фаолиятида эътиборни қўйидаги асосий вазифаларни ҳал қилишга қаратиши лозимлиги белгиланди:

— қўнун ҳужжатларига қатъий риоя қилиниши устидан мониторинг ўтказиш, тадбиркорларнинг улар фаолиятига ҳоҳияти ва бошқарув органиларининг асосий ариалашувини йиғинчи ҳимоя қилинишини таъминлаш;

— тадбиркорларга кредит ва кичик кредит олишда қўллаб-қувватлаш, инвестиция лойиҳалари ва тақдирларининг таъини асосида саралаб олинишини таъминлаш;

— тадбиркорларга моддий-техника ресурслари олишда ҳамда уларнинг мақсулотида ички ва ташқи бозорларда сотишда қўллаб-қувватлаш;

— кичик ва ўрта бизнес корхоналарини ривожлантириш мониторингини амалга ошириш, мажмуа муаммоларини чуқур ўрганиш, ҳамда тадбиркорликнинг ҳуқуқий кафолатларини таъминлашга ва уни ривожлантиришнинг рағбатлантиришнинг қўллаб-қувватлаш бўйича Тошкент шаҳар мувофиқлаштирувчи кенгаши ишчи органи вазифаларининг тадбиркорларни ҳуқуқий ҳимоя қилишга оид қисми Тошкент шаҳар адлия бошқармаси зиммасига юкланди.

Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришнинг рағбатлантириш бўйича Тошкент

шаҳар мувофиқлаштирувчи кенгаши ишчи органининг асосий вазифалари этиб қўйиладиган:

— янги ташкил этилаётган ва фаолият кўрсатаятган кичик ва ўрта бизнес, хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятини тартибга солиш, ҳамда уларни қўллаб-қувватлаш бўйича барча қўнун ҳужжатларига ва меъёрий ҳужжатларга қатъий риоя қилиниши устидан назоратни таъминлаш;

— тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, кичик ва ўрта корхоналарни ташкил этиш ва уларнинг самарали фаолият кўрсатиш учун қўлай ҳуқуқий ва ташкилий шарт-шароитлар яратиш бўйича амалдаги қўнун ҳужжатларини тақомиллаштириш юзасидан тақдирлар киритиш;

— назорат органлари ўтказаятган текширишларнинг қўнунийлиги устидан назоратни таъминлаш, кичик, ўрта ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг бўғалган ҳақ-хуқуқларини тиклаш чора-тадбирларини қўриш;

— кичик ва ўрта корхоналар, хусусий тадбиркорлар фаолиятига қўнуний ариалашини, давлат тузилмалари ва амалдорлар, маҳаллий ҳокимият ва бошқарув органилари томонидан зимдан қаршилик қўрсатишнинг барча ҳоллари устидан мониторингини амалга ошириш.

Хар бир ҳолат бўйича айбдор шахсларни жазоий жавобгарликка бўғалган жавобгарликка тортиш юзасидан тақдирлар киритиш.

Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришнинг рағбатлантириш бўйича Тошкент шаҳар мувофиқлаштирувчи кенгаши 10 қўн муҳддада Тошкент шаҳар кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришнинг рағбатлантириш бўйича Тошкент шаҳар мувофиқлаштирувчи кенгаши ишчи органи вазифаларининг тадбиркорларни ҳуқуқий ҳимоя қилишга оид қисми Тошкент шаҳар адлия бошқармаси зиммасига юкланди.

Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришнинг рағбатлантириш бўйича Тошкент

Орадан маълум муддат ўтади. Амир Темир кўчасининг Ўзсув канали бўйида қад қўйиладиган муштариф муҳим пайтда қўнун бўғалган аждодларимиз хотирасига бағишланган «Шахидлар хотираси» мемориал ёдгорлиги ўз юзини кўрсатади. Ана ўшанда бу жой нафақат халқимизнинг, балки юртимизда таъриф бўғарадиган чет эллик дўстларимиз учун ҳам муқаддас зиёратгоҳлардан бирига айланади.

Инсон қўли гул. Кечагина хувилаб ётган кимсасиз тепалик ва чакалзорлардан иборат бўғалган бу майдон бугун тамоман ўзгача қиёфа касб этибди. Бу албатта қўн сонли бунёдкорларнинг аҳили билан олиб бораётган меҳнатлари самараси. «Шахидлар хотираси» трестининг 1-қўрилиш-таъмир бошқармаси бошчилик қилаётган қўрувчилар Тошкент шаҳар меъморчилик ва шаҳар қўрилиш бош бошқармаси меъморларининг «Тошгирогор» мутахассислари билан ҳамкорликда яратган лойиҳаси бўғича аниқ ишларни амалга оширишмоқда. Мақсад — 17 гектарлик майдондан иборат бу зиёратгоҳ марказида баланд қўш ва унинг устига ажиб бир хотира ёдгорлигини ўрнатиш, атрофини ободонлаштириш, анвойий гуллар, манзара-ли дараклар билан безаш, шу чиройга мос фавворалар, кўприклар, йўлқалар қўриш.

Қўли гул қўрувчилар ҳимматига тасаннолар айтиб канал бўғалаб аста одимлайман. Хаёлимда турли ўйлар, фикрлар кезади. Қўз ўғинида мустабид тузум йилларидан қатоган этилган фидойи ватандошларимизнинг мўтабар сиймоси бирма-бир жонланади. Улар бир овоздан: «Авлодлар, биз сизларни севардик, раҳмат, сизлар ҳам бизни унутмабсизлар!», деганлар.

Рўпарамдан келаётган бульдозернинг ҳайқирғи хаёлимни бўғиб юборди.

— Ха, муҳбир ака, анҳор бўғини яқаш кезиб қолмасми?

Ениқдан ўтиб бораётган қўрувчининг сўзидан сержак тортидим...

Унга ҳайқирғи билдирдим. Бригадир мамнун қайғидатда ўз ишига «шўнғиб» кетди.

Борлигини ажиб бир манзара чулғаб олди. Пастга қарасам ҳаёт қайнайди. Хов ана, ҳартумига катта бир бетонни олиб олган қўн тумшугидаги огир юки билан сўв томон шўнғиди. Унинг ҳаракатини кузатиб турган каскали йигит минорада ўтирган «гузалга» «вирра, майна» деган сўзлар билан буйруқ бериб турди. Илонизи анҳор сўви сокин оқади. Хали иш яряида шу қадар гузаллик кашф этган бу маскан тўла ишга тушгандан кейин қандай манзара башх этакрин?

Қирғоғига тушган огир бетон зарбидан анҳор сўви мажнунлик кетди. Тўлқинлар орасидан ана турли қиёфалар жонланади. Ана, устига банорас тўн кийиб, кўзига кўзойнақ тақиб олган Чўлпон.

Тўй у:

«Муҳаббат осмонда гулал Чўлпон эдим, дўстлар, Қўйининг нурига тоқат қилмай эра ботим-ку»

деб нола қилаётгандек. Боғиша ўзига ярашган лапоқ кийиб олган Фитрат домла «Ватан — у меини жону таним, саждақоҳимдир!», дег Чўлпоннинг елкасига қўл ташлаб турибди. Улар ёнида бўғинга қизил галстук, эгнига қора костюм кийиб олган эрк кўчкиси Усмон Носир. У қўлидаги китобдан қўйидаги сатрларни ўқийди:

«Баргдек узалиб кетсам, Унутмас мени боғим. Ишминг ҳурмат қилур, Гулардан ҳайкал қилур»

Минг йиллардан кейин ҳам Унутмас мени боғим!...

Сал нарироқда Маҳмудхўжа Бехбудий, Мунаввар қори Абдурашидхон ўғли. «Келар замон учун ҳозирланайлик. Ўтган замон учун эмас!», деб туришибди.

Канал сўви ана бир чайқалди. Бу сафар унинг маъжн янглиғ бўй-баста билан устига йўл-йўл чакмон кийиб олган Қодирий бобо аниқ жонланди. Бироз шошилиб қолдим.

— Ҳаяжонланманг! Бўтам, — дейди Қодирий бироз ғамгин жимлайиб. — Биласиз, мен ҳамиша мазийга қайтиб иш қўришни ёқтираман. Зеро, мазийга қайтиб иш қўриш хайрли дейдилар. Шунга қўра биз ҳам сўхбатимиз мавзунини мазийдан, яқин ўтган кўнлардан, тарихимизнинг энг кир, қоралли бўғалган шўро замонидан боғласак, нима дейсиз?

дек ҳароратли, ловуллаб яшаш, гузал мисралари-ю аjoyиб фалсафий мушоҳадалари билан элга танилган ўпорақ шoir ҳам «халқ душмани» бўлса. Бунга ким ишонарди?

Чўлпон, домла Фитрат, Маҳмудхўжа Бехбудий, Мунаввар қори Абдурашидхон ўғлиларининг ҳам кечмишлари бизникидан оз бўлмади.

Бир нарсга менга сира тинчлик бермасди. Наҳот халқим, китобхонларим бизнинг бўғинимизга осилган шу тавқи лаънатга ишонмишга? Наҳот келажак авлодлар онгига биз «халқ душмани» бўлиб қолсак, деган андиша қийнади мени. Йўқ, янглишган эканман, ҳақиқат эғиларкан, буқиларкан, лекин синмас экан. Бўғун бунга ана бир қарра ишондим. Минг шўрки, йиллар оша номларимизни тилда эмас, дилга олиб китобларимизни авайлаб, яшириб эъзозлаган халқимиз олдида юзимиз ёруғ. Номимиз улар тилида достон. Бундай ўйлаб қарасам, аслида китобларим қирмаган ўй, асарларим ойнаи жаҳон орқали янграмаган хонадон йўқ экан. Бўғининг учун халқимга таъзим қиламан.

Не-не жаҳонгир жаҳонгашталарни кўрмади бу юрт. Не-не фузалою уламолар келиб-кетмади бу юртга. Қанча қанча раҳбарлар ҳўкмонлик қилмади унга. Лекин, жаҳон аҳли тан олган, Ўзбекистон доғруғини оламга тарата олган, эл-юртинг бекйес ҳўрмати ва эътиборини қозона олган Ислом Каримовдек буюк давлат арбобини неча асрлардан бери кўрмагани бу юрт. Бахтингиз шўндаки, йиллар оша биз орау қилган ниятимиз энди мустахо бўлди. Озод ва обод Ватан сизга насиб бўлди.

Биргина ўтинчим, бу дорилонмон қўнларнинг қадрига етинг, тинчлики кўз қорачиғидек авайлаб-асраг. «Энг катта орузим — менга ишонган одамларнинг омонлиги, юртимнинг тинчлиги!» дегувчи меҳр-муруватли, мард ва танги ўлган Юртбошини қадрланг. Шу инсоннинг буюк ҳиммати, бекйес жасорат ва мардлиги билан Ватан ва халқ озолиғиди йўлида қўнун бўғалган биздек фидойилар хотирасини абадийлаштиришга қарор қилинди. Тангри таолодан илтижо қилиб сўрайман, шу буюк инсонни ўзи қўллаб-қувватласин, паноҳида асосин.

— Қодирий бобо! Бўғун сиз орқали биз ҳам бир эум мазийга қайтидик. Яқин ўтишимизга бир назар ташладик. Юртимиз озолиғи ва мустақиллиги учун қўнларда матонат қўрсатган, миллатни ҳўрлик ва эркинликка қўрлаган сиз каби мангуликка дахлдор аждодларимиз хотирасини бир эум бўлса-да эсладик. Албатта, тарихимизнинг ўша қора кўнлари ҳамиша биз учун сабоқ бўғисидир. Хар бириимизни яқинлиқка ўндаб турғувчидир.

Эшитаятсизми, бобо? Сўзимиз дилимизга ҳоманг бўлиб, қаердадир «Муножот» қўйи янграмоқда. Шу тобда беихтиёр Қаҳрамон шoirимиз Абдулла Ориповнинг қўйидаги сатрларини бироз ўзгартириб тилга олгим келади.

Эшилиб, тўлагониб ингранади қўй, Қайлардан келмоқда бу оху садо. Ким у пола қилаётган, Қодириймикан, Ва ё эрк қўйкиси Усмонмикан, дод?

Хотирингиз жам бўлсин, бобо. Сиз каби замона зулмидан жабр қўриб, қатоганга учраган фидойи инсонларни авлодларингиз ҳеч қанон унутмайдилар. Сизларнинг жасоратингиз йиллар оша тилдан тилга, дилдан дилга ўтиб юрaverади...

Оралик муҳддат оз қолди. Ушбу «Шахидлар хотираси» ёдгорлиги фойдаланишга топширилаётган ҳажонли давлар яқин. Уша кўнлар барча қатори биз ҳам набираларимизни етаклаб, бу жаннатмакон боғни сайр қўлгани келамиз. Келажак авлодларга юрт истиқболни учун қўрашган сиз каби мангу барҳаётлар ҳақида ҳикоямиз давом этади.

Маҳмуд КОМИЛЖОНОВ.

МАНГУЛИККА ДАХЛДОР

Пойтахтимизда бунёд этилаётган «Шахидлар хотираси» ёдгорлиги мажмуи олдида дилдан кечган туйғуллар



— Сизга шўниси маъкул бўлса, бажонидил, бобо, — дейман унга жавобан.

— Баракалла, сизга айтмоққа ниятланганим, ҳаётда қўн яхши-ёмон кўнларни кўрдим, ранжу аламларга этак силкитиб ўтдим. Умрим бўйи авлодларга ёркин саҳифалар қолдиришга ҳаракат қилдим. Эгў ният билан қўлимга қалам олдим. Шу йўл билан юртга, элга фойдам теғишига ишондим. Тўн билан кўн бир бўлди. Мижжа қўймай тонг отгунча қарамонларим билан сўхбатлашдим, олишдим, қўрашдим. Қўқон хонлигининг сўғити ҳўкмдори Худойерхон салтанати замонда савдо иши билан Тошкентдан Марғилонга сафар қилган ёш, ўқитан йигит Отабекнинг ҳаёти, ҳис-туйғулари, бахтсизлиқлари қисматимга айланди. Қўмшунинг норасо кечмиши, бевақт ўлими изтиробидан йилладим.

«Асар Фарҳоднинг Ширин, бўлса Мажнунларнинг Лайлоси, Насиб бўғини менга гулшанаро гуларнинг Раъноси, Асар ор этса Лайла қаҳадир Қайснинг жуғунидан, Не бахт, Раъно харидоринг талаб аҳлининг Мирзеси».

деган битикларни қалбимга жо этиб, икки ёш юрак — Анвар ва Раъноларнинг вафодорлик намуналарини, севгига садоқати ва ниҳоят интиқ қалбларининг орузи ушаладиган давлар ҳақида завқ ва шавқ билан ёздим.

Кейин билсам, ўша давлар ҳаётимнинг энг сермазмун кўнлари экан. Қаҳрамонларим сингари меининг боғимда ҳам қора бўлутлар кеза боғлаганини билмай қолмабман. Қўз қўриб қўлоқ эшитмаган воқеалар содир бўлди. Кечагина эл эъзозлаган ёзувчи Қодирий бирдан «халқ душмани»га айланди.

Е, тавба, инсон боласи ҳам шўнчалар тез турланадими? Қўни кеча этакимни тутиб, мени тавоф қилиб юрган баъзи бир манкуртлар ҳали қазилмаган гуғримга гишт қалашиб, менга қафан бича боғлашди. Мана шўниси алам қилади. Аҳир дўст деб қўйинида сақлаб юргангиз илон бўлиб қикса, қайси инсон зоти қийдайди бу разоплатга?

«Гуноҳим не?» деган саволим аниқ жавобсиз қолди. Унинг ўрнига етти ухлаб тушимга қирмаган: «Сен халқ душмансан!» деган тавқи лаънатни бердилар. Бўғини қалма-кет ёғилган туҳмату бўғтонлардан ўзимни ҳимоя қилишга уриндим. Бўлмади. Ана шўндагина қизиллар тузумининг бегуноҳ қўрбон бўғалганимни аниқлаб етдим ҳаммасига туғурдим. Ҳатто ўлим ҳарисидида ҳам эғилмадим, боғимни мағрур туғдим.

Менку майли-я ози-кўпи умр кўрдим. Лекин ўн гулдан бир гули очилмаган Усмон Носирни не гуноҳи учун Мағаданга ҳайдадилар? Наҳотки, қўш-

парламентига ҳўжум ва республиканинг бир қатор раҳбарлари ўлимга доир иш юзасидан тергов давом этмоқда. Жўмладан, террорчилик ҳаракатида дахлдорлик гумониди айбун билан Арманистон Ички ишлар вазири ҳодими А. Арўпоян ҳибсга олинди.

● Финляндиянинг ҳисоб бўғича ўн биринчи Президенти Тарья Халонен расмий равишда давлат раҳбари вазифасини бажаришга киришди.

● Сенегалда бўлиб ўтган президентлик сайловининг дастлабки натижалари эълон қилинди. Унда ҳўкмон социалистик партиядан номзоди қўрсатилган амалдаги Президент Абду Диуф етакчилиги қўлга олган.

● Кечда Женевада халқаро автомобиль кўрғазмаси очилди.

● Немисларнинг «Н-24» телекомпанияси раҳбарияти ўзининг Россиядаги муҳбири Ф. Хёфлингни — россиялик ҳўрлий хизматчиларнинг Чеченистондаги гуёки қилган ёвузликлар тўғрисидаги қўрсатув муаллифини эфирга ёлгон ахборот тарқатганлиги сабаби билан ишдан бўғашди.

● Жаҳон футболчининг юлдузи Роналдо гузалликда тенги йўқ соҳибжамол Милан Доминтуш хонимга уйланди. Икки ёшнинг никоҳ баъзи Рио-де-Жанейро ресторонларидан бирида бўлди. Ана бир гап: тўйда қатнашган айрим кимсаларнинг айтишича, соҳибжамол келин келаси ойда қўнуний эрига фарзанд ҳадя этса керак.

ДАВР САДОСИ

БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГҲА ХАБАРЛАР

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Кечда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Оқсарой қароғоғида Марказий Осиё халқлари маданияти ассамблеяси президенти, танлиқли ёзувчи Чингиз Айтматовни қабул қилди.

● Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Фармонига қўра Турдикул Бўтаёров Ўзбекистон Республикасининг Қозғоғистон Республикасидаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси этиб тайинланди.

● Вазирлар Маҳкамасида Назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгашининг мажлиси бўлди. Бош вазир Ўткир Султонов бошқарган бу мажлисда ўтган йилги иш ақуналари ва Президентимизнинг Вазирлар Маҳкамаси мажлисида, шўнингдек, Олий Мажлис биринчи сессияси ва Идоралараро мувофиқлаштириш кенгаши мажлисидаги маъ-

рузаларидан келиб чиқадиган вазифалар муҳоама қилинди.

● Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ижтимоий масалалар ва бандлик қўмитаси ташаббуси билан «Ижтимоий ҳаёт, таракқиёт ва қўнун» мавзусида бахс-мунозара бўлиб ўтди.

● Жиззахда қишлоқ ҳўжалигида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш масалаларига бағишланган йилгили бўлиб ўтди.

● Пойтахтимизнинг Сергели туманидаги молия иқтисодиёт коллежиде «Президент Фармонлари: имтиёз ва имкониятлар» мавзусига бағишланган семинар-кенгаш ўтказилди.

● Кечда орта саҳарда Тошкент аэропортидан «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпаниясига қаршли самолётларда муқаддас Ҳаж зиёратига отланган ўзбекистонлик бўғуси ҳўжларнинг дастлабки гуруҳи Саудия Арабистонига жўнаб кетди.

● Республика болалар бадийи ижоди марказида Соғлом авлод йили доирасида «Менинг Ватаним» деб аталувчи кўрғазма бўлиб ўтди.

● Эртага Юнусобод туман ҳокимлиги, туман хотин-қизлар қўмитаси Тошкент тиббиёт педиатрия институти жамоаси билан ҳамкорликда «Аёлни улуғлаш — Ватанин улуғлашдир» деб номланган қизқарли анжуман ўтказилади.

ЖАҲОНДА

● Кечда Ўзбекистон Республикасининг Бирлашган Миллатлар Ташкилотига тўла ҳўқуқли халқаро субъект сифатида аъзо

Рустам Шарипов олган сурат

(Давоми. Боши газетанинг 6,8,9,12,18,21,24-сонларида).

Парилар газабноқ бўлиб, бир катта гулхан ёқиб Хотамни ўтга ташладилар ва қуйиб кетди — деб, гумон қилиб ўз маконларига озим бўлди. Хотам муҳайри Моҳ парини озига солиб, ўрни орасида худойи таолони ёд айлаб ўтирди. Ул парилар кетгандин сўнгра Хотам солим ал-аззо куймасдин чиқди. Худого шукр ва санолар айлаб яна йўлга тушди. Яна бир хил парилар йўлиқиб, булар ҳам ўтга ташладилар, бу ўтдан ҳам саломат чиқди. Ал-хисса, неча жамоа парилар ҳар хил ишни айлаб кўрдилар, бўлмади, Хотамга таъсир айламади. Яна бир гуруҳ парилар учраб, Хотамни кўтариб дарёйи Кулзумга ташладилар. Хотамни дарҳол бир наҳанг ютиб юборди. Хотам ул муҳранинг шарофатидин дарё офатидан омонда эрди ва лекин беҳуш эрди. Андак хушига келиб кўрдиким, наҳанг қомига тушибди. Каттиқ ҳаракатлар қилиб ул наҳангни ичак ва жигарларини эзди. Ул наҳанг тоб келтиролмай, дарё лабига келиб Хотамни қайд қилиб ташлаб кетди. Хотам хушига келиб, либосларини ювиб, қури-тиб қийиб, энди қаён бораин деб туриб эрди дарёйи Кулзумнинг нигоҳон париларига мулоқот бўлди. Хотам парилар расмида салом айлади, буларга Хотамнинг саломи хуш келиб, саломга жавоб бердилар. Хотамни ўз маконларига олиб бориб зиёфат қилдилар. Хотам очлик азобидан фориг бўлди. Баъзи парилар ҳалок айламоқ бўлдилар ва бир нечалари қийиб юбориб ҳам бўлмас ва ҳалок қилиб ҳам бўлмади. Яхшии улким Шоҳ парига арз айлармиш. Шоҳнинг амри билан иш тутармиш — деб, бир хат ёзиб бир паридан шоҳга равона айладилар. Ул қосид (элчи) шоҳ даргоҳига етиб, одоб билан ер ўпиб номани шоҳга тутди. Шоҳ номани очиб ўқиди, мундоқ тақрир айлабдурларким, шоҳимизнинг умрлари узун, давлатлари пайдо бўлгай, бизлар нигоҳон дарёйи Кулзумдурмиш, фалон кунни бир одамозод қўлга тушди, зиёда доно кўринадур, феъл-хуш, сурат шамоилили улўзодларга ўхшайдур, фармонларига мунтазирдурмиш, — дебдурлар. Шоҳ пари жавобномани ёзиб, ул қосидга топширди ва дедиким, бу нома ҳужимни кечиктирмайгайлар — деб, қосидни йўлга солди. Ул пари номани улўғига етқурди. Номани очиб, ўқиб кўрдиларким, ул одамни тезроқ мунда келтиргайлар — дебдур. Нигоҳон дарёйи Кулзум Хотамни бир чорпоёга ўтказиб, кўтарти-

риб кўп чериклар билан шоҳ хизматига юборди. Энди йўлда зоҳир бўлган аломатлардан эшитинг. Шоҳ парининг Муншони пари деган амир лашкари бор эрди. Ани бир соҳибжамол қизи бор эрди, исми Хусной пари эрди. Шоҳ парининг қаламрав пардасида андин яхшироқ паризод кам эрди. Эшитдиким дарёйи Кулзум нигоҳонларига бир одамозод тушган эрмиш, шоҳ даргоҳига олиб борур эмишлар. Хотам-

зиёда бўлди. Алқисса ширин гуфторлик билан ва нозу қарашмалар билан ўз жамолига фирефта айлаб, кеча-кундуз айш-ишрат айлар эрдилар. Хотамни ўзига ром айлаб олди. Энди йкми қалима сўзни нигоҳонлардин эшитинг. Нигоҳонлар уйғониб боқсалар Хотам йўқдур, хайрон бўлиб ҳамма тараддудга тушиб ахтардилар, ҳеч асар топмадилар. То бир ой ўтди. Бир кун шоҳ бир неча парини буюрдиким, нигоҳонлардин ҳанузгача хабар бўлмади, бориб қилиб келинлар — деб. Ул парилар нигоҳон парилар хузурига келиб кўрдиларки, ҳамма сарсон-саргандондурлар. Ясовул парилар сўрадиларким, кечикканлигини сабаби нечудир? Шоҳ интизордурлар — деган, нигоҳонлар воякани баён қилдилар. Ясовуллар билан нигоҳонлар шоҳ хузурига келиб, Хотамни йўқолганлигини маълум қилдилар. Шоҳ билан арқони давлат ҳаммалари дарҳайрат бўлдиларки, бу ишнинг воякеси қандақ бўлиши Хотам билан Хусной пари ишратдадурлар. Охишта бориб ўз улўғига изҳор айлади. Ул сарҳанг шоҳга арз айлади. Шоҳ даргазаб бўлиб Муншого дедиким, эй нобакор одамозод билан қизингни бир ерга қўйиб, ҳаммани сарсон айлармусан — деб, бир ясовулни буюрдиким, бориб Хуснойни ва ул одамозодни мунда ҳозир айлаб деб, ясовул Муншони бирга олиб келиб, Хусной парини ва Хотамни шоҳ олдида етқурди. Шоҳ Хотамни қўриб завқлар айлади. Хотам одоб ва тавозеъли шоҳонани бажо айлаб, шоҳга салом бериб дуолар айлади. Шоҳ дилида айдиким, Хусной пари ушбу йигитга волайи ошфута бўлмоғи хўб эркан — деб. Муншогарини ва Хусной парини гуноҳини авф айлади. Хотамга сандали қўйдириб берди, обу таомдин сўнгра дедиким, эй жавонмард қайдин келурсиз ва қаёнга борурсиз, танҳо пиеда сайр айламакни боиси нимадур — деди. Хотам ўриндин туриб дуо айлаб дедиким, шоҳ, қамина Яман шаҳридин булурмен, отини Хотам ибн Тай шоҳ Яманий дерлар, оллох таолонинг йўлида муҳтож бандадурлар учун жонини фидо қилгондурмен — деб, бошдин оёқ саргузаштини ҳикоя айлади. Шоҳ пари писандлар айлади. Фарқош шоҳ девдин жанобингизни адл-инсофларин эшитиб, жамолларини бир кўрмоқни орзу айлаб, кўп ранжу таъблар тортиб, алҳамдулиллох давлатларига мушарраф бўлдим деб, таслимоллар адо қилди.

Тургун ФАЙЗИЕВ тайёрлаган.
(Давоми бор).

Донишмандлар хазинасидан ХОТАМНИНГ ИККИНЧИ САФАРИ

нинг сифатлари парилар шаҳрига шукрат топган эрди. Ани Хусной пари ҳам эшитиб эрди. Шунингдек, парилар бир одамни дарёйи Кулзумга ташлаганларини эшитган эрди ва ул сайёҳ киши Хотамдур — деб, гумон қилар эрди, юраги гойибона қийиб, уни ўзига дўст тутарди. Бу кун эшитдиким. Кулзум нигоҳонлари бир одамни шоҳ олдида олиб борур эмишлар деб, отанасидан сайр бог учун жавоб олиб, ўз яқинлари билан сайр қилиб, ўз боғида қасрни ораста айлаб, базм асбобларини тайёрлаб, ўзига зийнатлар бериб ўтирди. То ярим кеча бўлиб эрди, беш-олти парини буюрдиким, охишта бориб дарёйи Кулзум париларидин ул одамни ўғирлаб олиб келинлар — деб. Ул парилар етиб бориб кўрдиларким, ҳамма нигоҳонлар уйқудадурлар. Хотамни тахтравони билан кўтариб олиб қочдилар. То субҳидамда Хусной пари қасрига етқуриб келдилар. Хотам уйғониб кўрдиким бир базм орастадур. Хуснойни кўрдиким тахт устида нозу қарашмалар билан ўтирадур. Хотам дарҳол ўриндин туриб парилар қойдаси билан салом айлади. Хусной пари жавоб саломдин сўнгра Хотамнинг қилидан тутиб, ўз маснади (тахт) узра ўтказди. Ширинлик билан сўрадиким, қайдин келурсиз ва қаёнга борурсиз, отингиз нимадур, муддао нечудур деб. Хотам жавоб бердиким, қамина Яман шаҳридин булурмен, меннинг отини Хотам ибн Тай шоҳ Яманий дерлар, жонини оллох таолонинг йўлида азбаройи муҳтож бандлари учун фидо қилгондурман. То бошдин оёқ ҳикояларини баён қилди. Хусной парининг муҳаббат

бўлди деб. Нигоҳон париларнинг боғига тушди, кўрдиким Хотам билан Хусной пари ишратдадурлар. Охишта бориб ўз улўғига изҳор айлади. Ул сарҳанг шоҳга арз айлади. Шоҳ даргазаб бўлиб Муншого дедиким, эй нобакор одамозод билан қизингни бир ерга қўйиб, ҳаммани сарсон айлармусан — деб, бир ясовулни буюрдиким, бориб Хуснойни ва ул одамозодни мунда ҳозир айлаб деб, ясовул Муншони бирга олиб келиб, Хусной парини ва Хотамни шоҳ олдида етқурди. Шоҳ Хотамни қўриб завқлар айлади. Хотам одоб ва тавозеъли шоҳонани бажо айлаб, шоҳга салом бериб дуолар айлади. Шоҳ дилида айдиким, Хусной пари ушбу йигитга волайи ошфута бўлмоғи хўб эркан — деб. Муншогарини ва Хусной парини гуноҳини авф айлади. Хотамга сандали қўйдириб берди, обу таомдин сўнгра дедиким, эй жавонмард қайдин келурсиз ва қаёнга борурсиз, танҳо пиеда сайр айламакни боиси нимадур — деди. Хотам ўриндин туриб дуо айлаб дедиким, шоҳ, қамина Яман шаҳридин булурмен, отини Хотам ибн Тай шоҳ Яманий дерлар, оллох таолонинг йўлида муҳтож бандадурлар учун жонини фидо қилгондурмен — деб, бошдин оёқ саргузаштини ҳикоя айлади. Шоҳ пари писандлар айлади. Фарқош шоҳ девдин жанобингизни адл-инсофларин эшитиб, жамолларини бир кўрмоқни орзу айлаб, кўп ранжу таъблар тортиб, алҳамдулиллох давлатларига мушарраф бўлдим деб, таслимоллар адо қилди.

Тургун ФАЙЗИЕВ тайёрлаган.
(Давоми бор).



Бугунги кунда мустақил юртимизнинг янада обод ва кўркам бўлишида маҳалла оқсоқолнинг бурчи алоҳиддир. Энг асосийси, у ўз номига муносиб иш тутмиши керак.

Кунни кеча Тошкент шаҳар оқсоқоллар кенгаши ва «Маҳалла» хайрия жамғармаси Тошкент шаҳар бўлимининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишда 1999 йил — Аёллар йили иш якунилари кўриб чиқилди ва 2000 йил — Соғлом авлод йилидаги вазифалари белгиланди.

Маҳалла оқсоқоли энг аввало бугунги кун талабига жавоб бера оладиган, билимдон, тadbirkor, иш кўзини биладиган ва шу номга содиқ қоладиган инсонлар бўлиши керак, — дейди Тошкент шаҳар маҳалла фуқаролари иштини мувофиқлаштириш кенгашининг раиси Азизжон Гадоибоев. — Аввало оқсоқол номига муносиб инсон бўлса, унда унинг маҳалласи ҳам тинч, обод ва кўркам бўлади. Аммо айрим кимсалар, тураларча иш юритаётган оқсоқоллар учраб тураётгани ҳам сир эмас. Бизларнинг орамизда бундай инсонларга ўрин йўқ. Юр-

2000 йил — Соғлом авлод йилида ҳар бир маҳалла «Нуроний», «Камолот» жамғармалари, «Оила» маркази, Халқаро «Экосан», диний идоралар, «Ватанпарвар», Қизил Ярим Ой ташкилотлари, Халқ таълими ҳамда касб-хунар коллежи ва

Тadbirkorлар

ОҚСОҚОЛ НОМИГА МУНОСИБ БЎЛСИН

ладан бошланади. Яшаб турган оиламиз, маҳалламиз тинч бўлса юртимиз тинч дедиким. Йиғилишда оқсоқоллар, маҳалла хотин-қизлар кенгаши раислари томонидан фикр-мулоҳазалар билдирилди. Ютуқлар билан бир қаторда камчилик ва нуқсонлар рўйи-рост айтилди. Шунингдек, оқсоқоллар эътибори маҳаллада кичик ва урта бизнесни, тadbirkorлиқни кенг ривожлантиришга алоҳида аҳамият бериш, ўз-ўзини маблаг билан, ёшларни иш билан таъминлаш бора-сидиги мавзуларга қаратилди.

Лицей бошқармалари, шаҳар Жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси ва муассасалар билан ҳамкорликда ишлаш ва белгиланган режаларни амалга оширишга қарор қилинди. Йиғилишда Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари Рихситилла Ақромов, республика «Маҳалла» хайрия жамғармаси раисининг биринчи ўринбосари Нигмат Абдуллаев иштирок этишди.

Гулзода АБДУЛЛАЕВА.

Туйғулар

НАВРЎЗИ ОЛАМ ЯҚИН

Наврўзи олам ўзининг бутун гўзаллиги, кўрки, бутун латфати билан кириб келмоқда. Ҳаммаёқ кўм-кўк гилам билан безанмоқда... Эндигина киш уйқусидан уйғонган ноддалар қуртакларни қўшга тутмоқда. Табиат уйғонди, гўёки оламни ўзининг хушбўйлари билан аллалаётгандек:

Гулла, яшна тинчлик баҳори
Элларо дўстлик баҳори,
Истиқлолнинг юзи, виқори
Хуш келдинг, эй Наврўзи олам!

Инсон кўнглига ёниқ хотиралар олиб келади Баҳор. Яхшилик, эзгулик, бир-бировни йўқлаш, фақат инсонгагина хос. Яхши ишларни, савоб ишларни қилсанг яшагинг келади дунёда. Ҳар бир ўтаётган кунинг тарихга айланиб, ўтмишга муҳрланади.

Баҳор ойда яна дилимиздаги орзуларимиз ўзининг ширин ташвишлари билан руҳимизга шўқуқ бахш этади.

Кимнидир кўргимиз келади, соғинамиз, кўмсайимиз. Кимнидир эслаб узоқ хаёлларга толамиз. Кўзларимиздан уйқу қомади.

Болаликми бу, бизни шунчалар соғинтирган? Ёки дўстлар дийдорими?

Баҳорда, ҳа айнан Баҳорда ана шундай армону соғинчлар гўёки юзага қалқадди. Ва энг ажабланишарис — табиат билан бирга уйғонади-ю шу ишларни амалга оширишнинг имкони тугилгандек.

Ҳа, Баҳор дилларни дилларга, қалбларни қалбларга пайванд қилувчи, яхши ният, эзгу орзуларни амалга оширувчи покиза ойди. Баҳорнинг гўзаллиги, туффа атри, хушбўйлари ҳаммагини эзгу ишларга қорласин.

Шоира МУҲАМЕДОВА.



Наврўзи халқимизнинг шундай гўзал байрамики унда ёш халқ — ҳамма бирдек рақсларга тушиб хиром айлайди.

Рустам Шарипов олган сурат.

Наврўз шодиёнасини сумалак сиз тасаввур этиб бўлмайди. Сумалак бу байрамнинг энг азият наматларидан биридир. Шу боис сумалак ҳақидаги ҳикматларни бир эшитиб кўринг-а.

◆ Сумалак кўпчилик бўлиб тайёрланади. Кишдан эсон-омон қилиб олдиқ, деб одамонлардан бир қосадан бугдой йиғиб олина-

шармиш. Шу боис ҳам сумалакка туз солинамас экан.

◆ Сумалак тағига олмаслиги учун қозонга етти ёки

СУМАЛАК — КЎКЛАМ МЎЪЖИЗАСИ

ди. Айтишларича, бир қозондан таом еганлар бир-бирига қариндошдек яқин бўлиб қолишар экан.

◆ Эгизак фарзандлар улғаяётган оила аъзолари ҳар йили кўкланда сумалак қилиб, болалари соғлиғига ҳудуди қилади.

◆ Айтишларича, ҳафтада бир марта яхшилаб ҳордиқ чиқарган, ойда бир ҳаммомга тушиб, йилда бир марта тўйиб сумалак еган одам сира касал бўлмас эмиш.

◆ Тонгга яқин сумалак қайнаётган қозонни қовлаётган моомларни уйқу элтиб, улар пинакка кетган пайтда осмонун фалақдан учиб келган малойикалар қозонга туз ташлаб кети-

шармиш. Шу боис ҳам сумалакка туз солинамас экан.

◆ Сумалак тағига олмаслиги учун қозонга етти ёки

ди. Айтишларича, бир қозондан таом еганлар бир-бирига қариндошдек яқин бўлиб қолишар экан.

◆ Эгизак фарзандлар улғаяётган оила аъзолари ҳар йили кўкланда сумалак қилиб, болалари соғлиғига ҳудуди қилади.

◆ Айтишларича, ҳафтада бир марта яхшилаб ҳордиқ чиқарган, ойда бир ҳаммомга тушиб, йилда бир марта тўйиб сумалак еган одам сира касал бўлмас эмиш.

◆ Тонгга яқин сумалак қайнаётган қозонни қовлаётган моомларни уйқу элтиб, улар пинакка кетган пайтда осмонун фалақдан учиб келган малойикалар қозонга туз ташлаб кети-

Бўш вақтингизда

БОШҚОТИРМА

Шаклда белгиланган хонадан рақам атрофида соат миля йўналишида:

1. Мамлакатимизнинг Жиззах вилоятидаги шаҳар.
2. Маълум бир мақсад асосида тузилган битим ҳужжати.
3. Андижон вилоятидаги туман.
4. Бирор нарсаси ихтисосманд бўлиб ўрганувчи киши.
5. Қадимий ҳинд тили.
6. Тўқимачилик маҳсулоти.
7. Қўнчиқар мамлакат таркибидagi Хонсю оролининг бандаргоҳи.
8. Тилшунослик фани бўлими.
9. Қозғигистоннинг Қарағанда вилоятидаги шаҳар.
10. Поштаимиз вилоятидаги сойлик маскани.
11. Меваси шифобахш, манзарали ўсимлик.
12. Помир тоғидаги улкан музлик ҳудуди номи.
13. Назарий механика фани бўлими.
14. Қўмўшсимон оқ, енгил радиоактив металл.
15. Кўкларнинг илк чечги.
16. Табиий фан.
17. Инсондаги маълум бир вазифани амалга ошириш лаёқати.
18. Осн китъаси гарбидаги мамлакат.
19. Турли соҳаларда ишлатиладиган оқ кристалл модда.
20. Пазандлик анжومي.


МУАММОНОМА

Оқчиқ сўзлар:

1. Оқар сув манбаи — 2, 4, 5, 8.
2. Пул маблағлари тўплаш, тақсимлаш билан шуғулланувчи муассаса — 6, 3, 7, 1, 11.
3. Хосил онали — 9, 5, 9, 10.
4. Ипақдан тўқилган газлама — 12, 3, 13, 1.

Энди шакл атрофидаги рақамларни оқчиқ жавобларида тааллуқли ҳарфлар билан алмаштириб муаммонани ҳал этинг. Ундан қаторлар бўйига ўқиш билан шарқ халқ ҳикмати аён бўлади.

Тузувчи Фозилжон ОРИПОВ.



ГАЗЕТАНИНГ 25 ФЕВРАЛЬ СОНИДА ЧИҚҚАН

БОШҚОТИРМАНING ЖАВОБЛАРИ:

Шаклда белгиланган хонадан рақам атрофида соат миля йўналишида:

1. Қарши.
2. Қисса.
3. Қаҳва.
4. Қадқ.
5. Қимиз.
6. Қиров.
7. Қовун.
8. Қўқон.
9. Қўноқ.
10. Қонун.
11. Қанот.
12. Қалам.
13. Қалъа.

МУАММОНОМА

Оқчиқ сўзлар:

1. Дано.
2. Хунар.
3. Илм.
4. Йўл.
5. Бўл.
6. Давлат.

◆ **Ҳикмат:** Рўқни даволамай туриб, танани даволаб бўлмайди.

◆ 4 март — шанба (Ойнинг 27/28 кун). Бу кеча-кундузнинг энергия-ахборот таркиби гўят мўътадил ва ўзаро уйғундир. Кун давомида кўтаринки қайфиятни бой бермаслик, одам ва одамларга табассум олиб билиш, эзгуликка ошно бўлишга интилиш муҳим аҳамиятга эга. Бу кун Сизга узоқ муддатга қиёфа қиладиган куч-қудрат бахш этиши мумкин.

Шу кунни электромагнит таъсири билан боғлиқ даволаш усулларини қўллаш тавсия этилмайди. Оқчиқ ҳавода катта фаолиятдаги ҳаракатлар уринтириб қўйиши мумкин. Бўғимларда жарроҳлик операцияларини ўтказиш, қадокларни олиб ташлаш ҳам номатлубдир. Асаб тизими нозиклашади.

Экмили тушлар кўрасиз-у, лекин уларнинг биронтаси ўнгидан келмайди.

◆ 5 март — якшанба (Ойнинг 28/29 кун). Ой сайёраси қувватнинг таъсири одамлар учун гўят қўлай бўлиб, инсон интилишларига ҳаммадан бўлади. Эрта тонг-тишлиларга ҳаммадан бўлади. Эрта тонг-тишлиларга ҳаммадан бўлади.

Бўғимларда жарроҳлик операцияларини ўтказиш, қадокларни олиб ташлаш ҳам номатлубдир. Асаб тизими нозиклашади. Экмили тушлар кўрасиз-у, лекин уларнинг биронтаси ўнгидан келмайди.

◆ 6 март — душанба (Ойнинг 29/30 (07.35)/1-(08.19) кун). Шу кеча-кундуз давомида тугаётган Ойнинг бошларида бошлаган ҳамма ишларингизни ниҳоясига етказиб, унга яқун яшашингиз керак. Янги ой кириши билан янги ишларни бошлашингиз мумкин — улар Сизга муваффақият келтиради. Барча ишларда хотиржам ва интизомли бўлиш, беҳуда уринишларга йўл қўймаслик, кучларингизни тежаб

билан эътибор қилишингиз керак. Электромагнит таъсири билан боғлиқ муолажалар тавсия этилмайди. Суздаги турли хил муолажалар, сауна яхши фойда беради. Тушларингиз башоратли — айниқса шахсий ҳаётингизга оид тушларингиз ўнгидан келади. Шунинг учун оладиган ахборотингиз бир мунча ёқимсиз бўлган тақдирда ҳам уларга диққат қилинг.

◆ 8 март — чоршанба (Ойнинг 2/3 кун). Жисмоний ва маънавий машғулотлар баб-баравар фойдалани. Шу кунни дағаласликка йўл қўйиш мумкин эмас, ҳатто ҳавфли ҳам. Тананинг ички қуввати кучли бўлиб, фалон ҳаракатларини талаб этади. Бунинг Сизга қўйишарисиз ўзингизни ҳимоялашнинг куч-қувватингизга ҳам имкон беради. Ҳамма нарсасида улуғласиз, ҳамма нарсани улоқласиз. Катталик бўлсангиз бас. Яхшиис, тиш шифокорига бормай қўя қилинг. Бошингиз, кўларингиз, эшитиш аъзоларингиз нозиклашади. Бош оғриги, қон босимининг ошиши безовта қилиши мумкин. Жағ ва юзда жарроҳлик операциялари тавсия этилмайди. Сауна ёки рус ҳаммомига тушсангиз — маъза қиласиз.

Шу кеча кўрган тушларингиз қандамдан ўнгидан келади. Бирок, улар Сизнинг куч-қудратингизга синон бўлиши ҳам мумкин. Мабодо, тушингизда бирор билан олишайтган бўлсангиз — унинг натижаси ҳаётингизнинг

Шанбадан-шанбагача: мунажжим тавсиялари

ҲАФТАНИНГ ХАЙРЛИ КЕЛСИН

иш кўришингиз фойдали бўлади. Ошқозон-ичак йўли билан боғлиқ жарроҳлик ва бошқа муолажалар тавсия этилмайди. Қон айланиш тизими ҳамда лимфатик безлар фаолияти заифлашади. Юкумли хасталиклар, грипп, замбурулги касалликларни юктириш хавфи бор. Турли хил аллергия хасталиклари хуруж қилиши мумкин.

Тушларингиз башоратли бўлиб, уларни яхши эслаб қилиш ва таҳлил этишингиз керак бўлади.

◆ 7 март — сешанба (Ойнинг 1/2 кун). Бу кундаги Ой сайёрасининг таъсири кучи одамларда очқўлай ва бахилиқ туйғуларини намоён этади. Унга тексари ҳаракат қилишга — саховат кўрсатиш, илоҳи борица кўпроқ одамларга яхшилик қилишга интилиш. Булар Сизга ўн хисса бўлиб қайтади.

Суррункали юкумли хасталикларнинг зурайиши эҳтимол бор. Қўриш аъзоларингиз ва асаб тизимига алоҳида эҳтиёткорлик

қилиш. Жисмоний ва маънавий машғулотлар баб-баравар фойдалани. Шу кунни дағаласликка йўл қўйиш мумкин эмас, ҳатто ҳавфли ҳам. Тананинг ички қуввати кучли бўлиб, фалон ҳаракатларини талаб этади. Бунинг Сизга қўйишарисиз ўзингизни ҳимоялашнинг куч-қувватингизга ҳам имкон беради. Ҳамма нарсасида улуғласиз, ҳамма нарсани улоқласиз. Катталик бўлсангиз бас. Яхшиис, тиш шифокорига бормай қўя қилинг. Бошингиз, кўларингиз, эшитиш аъзоларингиз нозиклашади. Бош оғриги, қон босимининг ошиши безовта қилиши мумкин. Жағ ва юзда жарроҳлик операциялари тавсия этилмайди. Сауна ёки рус ҳаммомига тушсангиз — маъза қиласиз.

Шу кеча кўрган тушларингиз қандамдан ўнгидан келади. Бирок, улар Сизнинг куч-қудратингизга синон бўлиши ҳам мумкин. Мабодо, тушингизда бирор билан олишайтган бўлсангиз — унинг натижаси ҳаётингизнинг

бугунги нуқтасида Сиз нималарга қодир эканлигингиздан хабар беради.

◆ 9 март — пайшанба (Ойнинг 3/4 кун). Шу кеча-кундузда инсондаги ҳамма эзгуликлар ўзини намоён этади, унинг қалби покланиб,

